



**“SHIMOLIY MINTAQALARDA QISHLOQ XOJALIGINI
RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI VA
ULARNING INNOVATSION ECHIMLARI”
mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya**



УЎТ:631., 633.854.78., 631.563.5.

**КУНГАБОҚАРНИНГ ТУПРОҚТАГИ ОЗИҚА ЭЛЕМЕНТЛАРИГА
ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ**

Сейтбаев Раўаж Сарсенбаевич

Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий тадқиқот институти
«Қишлоқ хўжалиги экинлари агротехнологияси ва тупроқ унумдорлиги»
лабораторияси мудир қ.х.ф.ф.д., к.и.х

Сапарова Зийўар Мусаевна

Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий тадқиқот институти
«Қишлоқ хўжалиги экинлари агротехнологияси ва тупроқ унумдорлиги»
лабораторияси лаборанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19240347>

Аннотация. Ушбу мақолада кунгабоқарнинг тупроқтаги озиқа элементларига таъсири келтирилган. Бунда кунгабоқар экилган майдонда тупроқнинг 0-30 ва 30-50 см қатламларидан тупроқ намуналари олиниб тупроқтаги азот, фосфор ва калийнинг умумий миқдорини мавсум бошида ва охирида аниқлаш мақсадида лаборатория таҳлиллари олиб борилган. Таҳлил натижаларига кўра экиш олди олинган дала тупроғининг озуқа элементларига нисбатан кунгабоқар ҳосили йиғиб олинганидан кейин олинган агрохимёвий таҳлилларда бироз камайганлиги аниқланган.

Калит сўзлар: кунгабоқар навлари, тажриба даласи, тупроқ қатламлари, агрохимёвий таҳлиллар, озиқа элементлар, азот, фосфор, калий.

Аннотация. В данной статье представлено влияние подсолнечника на питательные вещества в почве. При этом на участке, засеянном подсолнечником, были взяты образцы почвы из слоев 0-30 и 30-50 см и проведены лабораторные анализы для определения общего количества азота, фосфора и калия в почве в начале и конце сезона. По результатам анализа установлено, что агрохимические анализы, полученные после уборки урожая подсолнечника, несколько уменьшились по сравнению с питательными элементами почвы, взятой перед посевом.

Ключевые слова: сорта подсолнечника, опытное поле, слои почвы, агрохимические анализы, питательные вещества, азот, фосфор, калий.

Abstract. This article presents the influence of sunflower on nutrients in the soil. In this case, soil samples were taken from the 0-30 and 30-50 cm layers of the sunflower-planted area and laboratory analyses were conducted to determine the total amount of nitrogen, phosphorus, and potassium in the soil at the beginning and end of the season. According to the analysis results, it was established that the agrochemical analyses obtained after harvesting the sunflower crop decreased somewhat compared to the nutrient elements of the soil taken before sowing.

Keywords: sunflower varieties, experimental field, soil layers, agrochemical analyses, nutrients, nitrogen, phosphorus, potassium.

Кириш. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида илмий асосланган алмашлаб екиш тизимлари орқали экинлардан экологик соф, юқори ва сифатли ҳосил етиштириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.



“SHIMOLIY MINTAQALARDA QISHLOQ XOJALIGINI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI VA ULARNING INNOVATSION ECHIMLARI” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya



Т.Ортиқов [1] нинг тупроққа ишлов бериш, аерациясининг кучайиши, қатор ораларига ишлов бериладиган екинларнинг кўп екилиши, органик ўғитларнинг кам миқдорда қўлланилиши, азотли ўғитларнинг бир томонлама юқори меъёردа қўлланилиши, тупроқнинг барча хосса-хусусиятлари ва режимларининг ёмонлашишига олиб келмоқда.

Л.Турсунов [2] ва бошқаларнинг маълумотига кўра, кунгабоқарнинг уруғ нормаси 6 кг/га, 90 см қатор ораларида пушта устига екилган. Екиш билан бир вақтда 120 кг/га фосфор ва 70 кг/га калий соф ҳолда берилган. Хоразм вилоятининг ўтлоқи – аллювиал тупроқлари шароитида кунгабоқарнинг Сур ва Веля навлари бирмунча юқори ҳосил бериш имкониятига егаллиги аниқланган. Жумладан, Хоразм вилояти ўтлоқи-аллювиал тупроқларида кунгабоқарнинг Сур нави 2,5 т/га дан ҳосил берган.


Ш.Убайдуллаев [3] нинг айтишларича такрорий екин сифатида дон (маккажўхори, шоли, тарик, жўхори), дуккакли-дон (ловия, мош, соя) екинларининг нав ва дурагайларини турли мақсад (дон, кўк масса, сидерасия) учун етиштиришда бир қатор масалалар ўз ечимини топади, жумладан йилнинг июл-октябр ойларида фойдаланилмаётган ерлардан қўшимча маҳсулот олинад; тупроқ унумдорлигининг ошиши таъминланади; карамгулликлар оиласига мансуб екинларни оралиқ екин сифатида ўстириш орқали еса витаминларга бой ва озуқавий қиймати юқори бўлган кўк масса олинад.

Материаллар ва услуби. Бизнинг тадқиқотларимиз Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг тажриба хўжалигида дала ва лаборатория шароитида олиб борилди. Азотнинг умумий миқдори Келдал усулида, тупроқдаги ўзлаштириладиган ҳаракатчан фосфор шакллари миқдорини Мачигин усулида, тупроқдаги калийни П.В. Протасов усулида аниқланди.


Натижалар ва мунозара. Тупроқдаги азот миқдори таҳлил натижаларига кўра кунгабоқар навларини экиш олди олинган таҳлилларда азотнинг умумий миқдори тупроқнинг 0-30 см қатламида 0,059 % дан 0,061 % ни ташкил етди. Мавсум охирида кунгабоқар навлари йиғиб олинганидан кейин еса 0,058 % дан 0,052 % гача ни ташкил етганлиги кўзатилди. Тупроқнинг 30-50 см қатламидаги азотнинг умумий миқдори мавсум бошида 0,056 % дан 0,058 % ни ташкил қилган бўлса мавсум охирида 0,057 % дан 0,050 % ни ташкил етганлиги кўзатилди.

Тупроқдаги фосфорнинг умумий миқдори таҳлил етилганда тупроқнинг 0-30 см қатламида мавсум бошида 0,178 % дан 0,186 % ни ташкил етган бўлса мавсум охирида олинган таҳлил натижаларига кўра 0,180 % дан 0,169 % гача ни ташкил етганлиги кўзатилди. Тупроқнинг 30-50 см қатламида фосфорнинг умумий миқдори мавсум бошида 0,171 % дан 0,179 % гача ни ташкил қилган бўлса мавсум охирида 0,177 % дан 0,166 % гача ни ташкил етди. Тупроқдаги калийнинг умумий миқдори таҳлил етилганда кунгабоқар навларини екишдан олдин тупроқнинг 0-30 см қатламида 1,84 % дан 1,91 % гача еканлиги кўзатилди. Мавсум охирида тупроқнинг 0-30 см қатламида олинган тупроқ намуналари таҳлил етилганда 1,87 % дан 1,77 % ни ташкил етганлиги кўзатилди. Тупроқнинг 30-50 см қатламида калийнинг умумий миқдори таҳлил етилганда мавсум бошида 1,77 % дан 1,82 % гача ни ташкил қилган бўлса мавсум охирида 1,81 % дан 1,71 % гача ни ташкил етганлиги кузатилди (1 ва 2-расмлар).

К



1-расм. Тажриба даласи тупроғининг Азот, Фосфор ва Калийнинг умумий миқдори, %



2-расм. Кунгабоқар ҳосили йиғиб олинганидан кейин мавсум охиридаги азот, фосфор ва калийнинг умумий миқдори

Хулоса. Тадқиқотлар натижасида кунгабоқар навлари экилган майдонда тупроқнинг 0-30 ва 30-50 см қатламларида тупроқтаги азот, фосфор ва калийнинг умумий миқдори экиш олди олинган дала тупроғининг озуқа элементларига нисбатан кунгабоқар ҳосили йиғиб олинганидан кейин олинган агрокимёвий таҳлилларда бироз камайганлиги аниқланди.



**“SHIMOLIY MINTAQALARDA QISHLOQ XOJALIGINI
RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI VA
ULARNING INNOVATSION ECHIMLARI”
mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya**



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ортиқов Т. Деҳқончиликда гумус ва азот муаммолари ва уларнинг ечими // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. - 2018. - № 2. –Б. 44.
2. Турсунов Л., Егамбердиев О., Анарбаев И. Хоразм вилояти суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларида мойли екин –кунгабоқарни етиштириш агротехникаси. ”Ўзбекистонда мойли ва толали екинларни етиштириш ҳамда уларнинг маҳсулдорлигини оширишга қаратилган янги технологиялар” мавзусидаги республика илмий-амалий конференсия маърузалари асосидаги мақолалар тўплами. Т.2011.Б.16-17.
3. Убайдуллаев Ш.Р. Фермер хўжаликлари фаолиятини самарали ташкил етишда такрорий екинлар ўрни // Ўзбекистон жанубида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва дастлабки қайта ишлашнинг муаммолари ва истиқболлари. Республика илмий-техник анжумани мақолалари тўплами. -Қарши, 2013. –Б. 6-8.